

# Олимларнинг илм йўлидаги сабр-матонатларидан ҳаётий лавҳалар

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда*

**Таржимон:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2014 - 1436

IslamHouse.com

صفحات من صبر العلماء على شدائد

العلم والتحصيل

« باللغة الأوزبكية »

عبد الفتاح أبو غدة

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1436

IslamHouse.com

## **Биринчи бўлим. Олимларнинг илм олиш йўлида қилган сафарларида бошларидан кечирган чарчоқ ва қийинчиликлари ҳақидаги хабарлари**

24. Доктор Муҳаммад Фуад Сезгин ўзининг “*Тарихут-туросил арабий*”<sup>1</sup> номли китобида Бақий ибн Махладнинг таржимаи ҳолини зикр қиларкан шундай дейди: “Бақий ибн Махлад Қуртубий илм талабида Миср, Шом, Ҳижоз ва Боғдодга икки марта сафар қилди. Биринчи сафари тўрт йил, иккинчиси эса йигирма йил чўзилган”. Унинг бу сафарларининг барчаси, ўзининг гапига қараганда, яёв ҳамда Андалус (ҳозирги кундаги Испания ва Португалия яримороли)дан бўлганини унутманг!

У (Оллоҳ уни раҳмат қилсин) ўзи ҳақида шундай дейди: “Кимнинг ҳузурига (таълим олиш учун) сафар қилган бўлсам ва бошқа юртларда кимдан ҳадис эшитган бўлсам, у жойларга оёқларим узра пиёда борганман”.

---

<sup>1</sup> 1/238.

Бақий ибн Махладнинг шогирди Абу Абдулмалик Аҳмад ибн Муҳаммад Қуртубий куйидагиларни айтади: “Бақий новча, бақувват, юришга бардошли, ҳечам улов устида кўрилмаган, мутавозе, жанозалардан қолмайдиган инсон эди”.<sup>1</sup>

Унинг илмга сабри ва иштиёқига тасанно!  
Таълим олиш ва илм (яъни, ҳадислар)ни тўплаш  
йўлида ҳаётини фидо қилганига тасанно!

*Кўринг не айламиш илоҳий санъат,  
Эт ила суякка битмиш фазилат.*<sup>2</sup>

25. Ҳофиз, имом Ибн Абу Ҳотим Розий ўзининг “*Тақдиматул жарҳ ват-таъдил*” китобида<sup>3</sup> (190-277 ҳижрийда яшаб ўтган) отаси имом Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Идрис Розийнинг таржимаи ҳолида, унинг илм талабида сафар қилганини зикр қилиб шундай дейди: “Отамдан эшитгандим: Ҳадис ўрганиш учун илк сафарим етти йил давом этганди. Яёв юрган йўлларимни

---

<sup>1</sup> “Тазкиратул хуффош” (2/630), “Сияр” (13/291).

<sup>2</sup> Шеър таржимаси Мукум Маҳмуд қаламига мансуб.

<sup>3</sup> 359-бет.

минг фарсах<sup>1</sup>га етгунича ҳисоблаб юрдим, минг фарсах бўлгандан кейин ҳисобламай қўйдим.

Кўфадан Боғдодга ва Маккадан Мадинага неча марта бориб келганимни зотан ҳисобламадим. Сале шаҳри (Юқори Мағрибда жойлашган шаҳар) яқинидаги денгиз (қирғоғи)дан Мисрга, Мисрдан Рамлага, Рамладан Байтул Мақдисга, Асқалонга, Табарийяга, Табарийядан Дамашққа, Дамашқдан Ҳимсга, Ҳимсдан Антокияга, у ердан Тарсусга яёв бордим.

Сўнгра Тарсусдан Ҳимсга қайтдим, билмаганим баъзи ҳадислар қолганди, уларни Абул Ямондан эшитдим. Кейин Ҳимсдан Байсонга, Байсондан Раққага йўл олдим. Раққадан Фурот дарёси орқали Боғдодга бордим. Шомга сафар қилишимдан олдин Воситдан Нилга, Нилдан Кўфага бордим. Ҳа, буларнинг барчаси яёв бўлганди! Бу менинг биринчи сафарим бўлиб, ўшанда 20 ёшда эдим. Етти йил кездим, Ройдан

---

<sup>1</sup> Бир фарсах, бир ярим соат пиёда юриладиган масофадир. Уч мил, яъни тақрибан беш километр масофа. “Мўъжам лорус”.

Баъзилар уни беш километрдан ортиқроқ масофа дейдилар. Устоз Аҳмад Ҳусайний “Далилул мусофир” (7-22).

213 ҳижрийнинг Рамазон ойида чиққан бўлсам, 221 йили қайтдим.

Иккинчи сафарга 242 ҳижрийда чиқиб, 245 йили қайтдим. Сафарда уч йил бўлгандим. Ўша сафаримда 47 ёшга кирдим”.

26. “*Таҳзиб ат-Таҳзиб*”да<sup>1</sup> (200-277 ҳижрийда яшаб ўтган) жаҳонгашта, ҳофиз Ёқуб ибн Суфён Форисий Фасавийнинг (Оллоҳ уни раҳмат қилсин) таржимаи ҳолида шундай келган: “Абу Абдурраҳмон Наҳовандий айтади: Ёқуб ибн Суфённинг шундай деганини эшитдим: Мингдан ортиқ устоздан ҳадис ёздим, барчалари сиқа (ишончли ва соғлом) эдилар.

Ибн Ҳамза айтади: Ёқуб ибн Суфён менга ўттиз йил илм талабида сафар қилганини айтганди”. Ҳали олдинда унинг сафар асносида оч қолгани ва кўзининг кўр бўлиб қолгани ҳақида зикр қилинади.

---

<sup>1</sup> 11/387

27. Ҳофиз Заҳабийнинг “*Тазкиратул ҳуффо*з”ида<sup>1</sup> Фазл Шаъронийнинг таржимаи ҳолида қуйидагилар айтилади: “Жаҳонгашта, ҳофиз, имом Фазл ибн Муҳаммад ибн Мусаййаб Байҳақий Шаъроний (282 ҳижрийда вафот этган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин) ҳақида Ибн Муаммил шундай дейди: Биз, Фазл Шаъроний ҳақида ҳадис ўрганиш йўлида унинг Андалусдан бошқа бормаган юрти қолмаган, дер эдик”.

28. Ҳофиз Самъонийнинг “*ал-Ансоб*” китобида<sup>2</sup> ва “*Тазкиратул ҳуффо*з”да<sup>3</sup> ҳофиз Арғиёнийнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагилар келган: “У — жаҳонгашта, билимдон, ҳофиз, зоҳид, ўрнак инсон бўлган Муҳаммад ибн Мусаййаб ибн Исҳоқ Арғиёнийдир (223-310 ҳижрийда яшаб ўтган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин). Имом Ҳоким Абу Абдуллоҳ у ҳақида шундай дейди: “У мужтаҳид обидлардан ҳамда садоқат ва тақво билан ҳадис ўрганиш йўлида жаҳонгашталик қилганлардан бири эди. Бир қанча устозларимиздан унинг “Ислом минбарларидан

---

<sup>1</sup> 2/624

<sup>2</sup> 1/169.

<sup>3</sup> 2/789.

бирор бир минбарни билмайманки, мен унга ҳадис эшитгани бормаган бўлсам”, деган қавлини айтганларини эшитганман”.

Ҳофиз Абу Али Нисобурий<sup>1</sup> айтиб беради: Муҳаммад ибн Мусаййаб Арғиёний Мисрга яёв борган эди. Ўшанда енгининг ичида 100 минг ҳадис бор эди. Шунда Абу Алига “Бу қандай бўлиши мумкин?!” дейилди. “Унинг ингичка хатда ёзилган кичик жузлари бор эди. Ҳар бир жузда санокли бўлган мингта ҳадис бўлар, ўзи билан юзта жузни олиб юрар эди. У мана шу иши билан донг чиқарганди.

Ҳар қачон ҳадис ўқиб бошласа, “Қола Росулulloҳи соллalloҳу алайҳи ва саллам” дегунча шундай йиғлардики, бизнинг унга раҳмимиз келиб кетарди! Кўп йиғлаганидан бора-бора кўзи аъмо бўлиб қолди! Оллоҳ ундан рози бўлсин”.

---

<sup>1</sup> Ҳусайн ибн Али, имом, ислом муҳаддиси, ўткир хотирали доно, ўз асрининг таснифда, музокарада, тақвода, етукликда пешвоси бўлган.



29. “Тазкиратул хуффоз”да<sup>1</sup> Шом муҳаддисларидан бўлган имом Абул Ҳасан Хайсама ибн Сулаймон ибн Ҳайдара Қураший Тарабулусийнинг (250-343 ҳижрийда яшаб ўтган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин) таржимаи ҳолида шундай келади: “Ибн Абу Комил айтади: Ҳайсаманинг қуйидаги гапларини эшитганман: “Денгиз сафарига чиқдим. Юсуф ибн Баҳрдан ҳадис эшитиш учун Жабала<sup>2</sup>га боришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Сўнгра Антокияга қараб йўлга чиқдик, ногаҳон қаршимиздан бир кема чиқди ва бизга урушга очди. Сўнгра ундаги бир гуруҳ бизнинг кемамизни қўлга олди. Мени ҳам ушлаб, калтакладилар. Кейин улар бизнинг исмларимизни ёза бошладилар, менга “исминг нима?” деб сўради, мен: “Хайсама”, дедим. У эса ёзаётганга қараб “Эшак ўғли эшак!!” деб ёз деди.

Калтак зарбидан хушимдан кетиб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим, гўё жаннатга боқардим, унинг остонасида бир тўп ҳури ийнлар турарди.

---

<sup>1</sup> 3/858.

<sup>2</sup> Шомдаги денгиз соҳилидаги минтақа бўлиб, Лазиқийя шаҳрига яқин бир жой. “Мўъжамул булдан” (2/104).

Улардан бири: Эй бечора! Нимани қўлдан бой берганингни биласанми?! деди. Бошқа бири: Нимани қўлдан чиқарди? деди. Шунда ҳалигиси: Агар ўлдирилса эди, ҳозир жаннатда хури ийнлар билан бирга бўларди, деди. Наригиси унга: Асти айтма! Оллоҳ унга исломнинг иззати ва шикрнинг зиллати (хорлиги) йўлида шаҳидликни насиб қилиши, у учун яхшироқ эди, деди. Сўнгра уйғониб кетдим”.

У гапида давом этди: “Яна тушимда бири менга Бароат сурасини ўқи, дегандай бўлганини кўрдим. Шунда мен Оллоҳ таолонинг **“тўрт ой ичида ерда сайру саёҳат қилиб юраверинглар”**<sup>1</sup> деган сўзигача ўқидим. Кейин туш кўрган кунимдан бошлаб тўрт ойни санадим ҳамки, Оллоҳ мени озодликка қовуштирди”.

30. Ёқут Ҳамавий *“Мўъжамул адиббо”*сида<sup>2</sup>, Заҳабий *“ал-Ибар”*<sup>3</sup> ва *“Тазкиратул ҳуффош”*ида<sup>4</sup> Абул Ҳасан Қаттон Қозвинийнинг таржимаи

---

<sup>1</sup> Тавба: 2.

<sup>2</sup> 12/219-220.

<sup>3</sup> 2/268.

<sup>4</sup> 3/856.

ҳолида шундай дейдилар: “У ҳофиз, имом, аллома, қудва-ўрнак киши бўлиб, исми Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ибн Салама ибн Баҳр Қозвиний, Қозвин<sup>1</sup>нинг муҳаддиси ва олимидир (254-345 ҳижрийда яшаб ўтган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин). У 91 йил умр кўрди ва шу ҳолида ҳам илм талабида сафар қилди. Бир қанча юртларда бўлиб, у ердаги бир қатор шайхлардан (ҳадис олимларидан) анча-мунча ҳадис ёзди. Ибн Можанинг “Сунан” китобини ундан ривоят қилган ҳам шу киши бўлади. У кишидан ҳадис ривоят қилган уламолар сон-саноксиздир, Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Форис Луғавий Қозвиний шулар жумласидандир.

Абу Яъло Холилий “*ал-Иршод фи тобақотил билад*” китобида шундай дейди: “Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим, барча соҳаларнинг: тафсир, наҳв, луғат, фикҳ илмларининг олими эди. Дин, диёнат ва ибодатда беназир эди. У Абу Ҳотим Розий ҳақида эшитиб, ундан таълим олиш учун йўлга чиқиб, (унинг олдида) уч йил қолганди. Қозвинийлар, Розийлар, Боғдодийлар, Кўфа, Макка, Яманнинг Санъоси, Ҳамадон, Хулвон ва

---

<sup>1</sup> Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар.

Ноҳаванддан бўлган кўпгина олимлардан таълим олди. Ёш авлод ундан етарлича фойдаланадиган даражада узоқ умр кўрди.

Қозвин шайхларининг бир жамоасидан шуларни эшитдим: “Абул Ҳасан зуҳд ва фазилатда ўзига ўхшаган бирини кўрмади. У ўттиз йил рўза тутди, нон ва туз билан ифторлик қиларди!”

Ибн Форис ўзининг “Амолий”сида айтади: “Абул Ҳасан Қаттоннинг ёши улғайиб, қуввати кетганда шундай деганини эшитдим: “Илм талабида сафарга чиққан кезларим юз минг ҳадис ёдлардим, энди эса юзта ҳадис ҳам ёдлай олмаяпман!”

У яна шундай деган эди: “Кўзим хасталанди, буни илм ва ҳадис ўрганиш йўлида сафарда бўлган кунларимда айрилиқдан онамнинг кўп тўкилган кўз ёшлари туфайли жазоланган бўлсам керак деб ўйлайман”. Унинг фазилатлари саналганларидан бениҳоя кўпдир”.

31. “Тазкиратул хуффоз” да<sup>1</sup> Ибнул Муқриъ Муҳаммад ибн Иброҳим Исбаҳонийнинг (381 ҳижрийда вафот этган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин) таржимаи ҳолида шундай келган: “У жаҳонгашта, ҳофиз, сиқа (ишончли ва соғлом)дир. Абу Тоҳир Аҳмад ибн Маҳмуд, Ибнул Муқриънинг “Машриқу Мағрибни тўрт марта айланиб чиққанман!” деганини эшитганман, дейди.

Сўнгра ҳофиз Заҳабий айтади: “Икки киши Ибнул Муқриънинг шундай деганини айтиб беришди: “Муфаззол ибн Фазола Мисрийнинг бир нусхасини деб етмиш қўнимлик йўл босдим.<sup>2</sup> Агар у новвойга кўрсатилса, уни битта нон эвазига ҳам олмасди! Ва Байтул Мақдисга ўн марта кирдим”. Унинг Исфаҳондан эканини унутманг!

32. Яна айни манбада<sup>3</sup> ҳофиз Заҳабий, жаҳонгашта, ҳофиз, “*ат-Тасониф*”нинг муаллифи Абу Абдуллоҳ ибн Манда (Муҳаммад ибн Исҳоқ)нинг таржимаи ҳолида шундай дейди: “Абу

---

<sup>1</sup> 3/973.

<sup>2</sup> Битта шайх (ҳадис олими)дан ривоят этилган, унинг ривоятлари билан танилган ва донг чиқарган ҳадислар мажмуасига муҳаддислар “ан-Нусха” номини беришган.

<sup>3</sup> 3/1032.

Абдуллоҳ 310 ҳижрийда таваллуд топиб, 395 йили вафот этди, Оллоҳ уни раҳмат қилсин. У ҳадис эшитиб, ҳадис олган шайхларининг адади бир минг етти юз (1700)дир<sup>1</sup>. Қўлёзмалари бир неча уловга юк бўлган.

Илм йўлидаги узоқ сафаридан қайтганида, китоблари бир неча уловга юк бўлган экан. Айтишларига қараганда, қирқта уловга юк бўлган. Биз бу умматдан унингчалик ҳадис эшитган ва ҳадис тўплаган бирортасини эшитмадик. Ҳадис ўрганиш учун кўп сафар қилган жаҳонгашталарнинг охиригиси ва кўп ҳадис ривоят қилганларнинг пешвоси эди. Шу билан бир қаторда зеҳни, маърифати, садоқати ва бир қанча таснифлари ҳам бор.

Жаъфар Мустағфирий айтади: “Ундан шайхлардан эшитган ҳадисларининг қанчалигини

---

<sup>1</sup> Ҳофиз Ироқий “Алфийя шарҳи”да (2/233), ҳадис талабасининг одоблари ҳақидаги байтларнинг шарҳида шундай дейди: “Ҳадис устозлари кўп бўлганлиги билан васфланганлар қуйидагилардир: Суфён Саврий, Абу Довуд Таялисий, Юнус ибн Муҳаммад Муаддиб, Муҳаммад ибн Юнус Кудаймий, Абу Абдуллоҳ ибн Манда, Қосим ибн Довуд Боғдодий. Охригисининг “мен олти минг шайхдан ҳадис ёздим”, дегани бизга ривоят қилинди.

сўрадим, у беш минг “сонн” бўлганини айтди”. Заҳабийнинг айтишича, бир “сонн” катта ўн жузга тенг.

Унинг илм йўлидаги илк сафари 330 ҳижрийда, Нишопурга бўлганди.

Ҳоким айтади: “У билан 361 ҳижрийда Бухорода кўришдик, ўшанда кўзга ташланадиган даражада илм соҳиби бўлганди. Сўнгра 375 йили ватанига қайтаркан, бизнинг олдимизга Нишопурга келди”.

Бундан кўринадикки, йигирма ёшида илм йўлида сафарга чиқиб, олтмиш беш ёшида қайтган, яъни 45 йил сафарда бўлган. Сўнгра ватанига қайтиб, 65 ёшида экан уйланди ва болачақали ҳам бўлди. Ва (ўзи таълим олган) кўпгина шайхлардан ҳадис ривоят қилди.

Ибн Манда ўзи ҳақида: “Шарқу ғарбни икки марта айланиб чиққанман”, дейди.

Абу Закариё ибн Манда айтади: “Амаким билан Нишопурга кетар эканмиз, Мажжа деган қудуқ олдига етиб келдик. Шунда амаким менга

қуйидагиларни айтиб берди: “Отам билан Хуросондан қайтар эдик, мана шу жойга етиб келганимизда қаршимиздан қирқта хуржун чиқди. Ичида кийим-кечак бўлса керак, деб ўйладик. Қарасак, хуржунларнинг ёнида кичик бир чодир ичида бир шайх ўтирарди. Ўша сенинг отанг (Абу Абдуллоҳ ибн Манда) эди! Шунда биримиз ундан:

- “Бу хуржунларда нима бор?” деб сўради.
- “Бу замонда унга талаб озайиб кетган нарса — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари бор”, дея жавоб берди у”.

Амаким сўзида давом этди: “Бир замонлар келди, мен Хуросондан қайтардим, ёнимда йигирма хуржун китоб бор эди, отангга иқтидо қилароқ мен ҳам мана шу қудуқ олдида қўноқладим”.

33. Ҳофиз Заҳабий “Тазкиратул ҳуффоъ”ида<sup>1</sup>, “ал-Мустадрок алас-саҳиҳайн” китобининг муаллифи Ҳоким Абу Абдуллоҳ

---

<sup>1</sup> 3/969.



Нисобурий<sup>1</sup>дан, у кишининг шайхи ҳофиз, имом, зоҳид, қудва-ўрнак, шайхулислом Ибн Михрон Абу Муслим Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Боғдодий, сўнгра Бухорий, сўнгра Маккий (375 ҳижрийда вафот этган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин) ҳақида қуйидагиларни айтиб беради:

“Ҳоким деди: “Марв ва Мавороуннаҳрга бордим, бироқ Ибн Михронни учратмадим. Олтмиш бешинчи йили (365 ҳижрий) ҳажга бордим, ҳожилар гуруҳлари ичидан уни ахтардим, у эса ўзини сездирмасди. Бир ҳадисни деб ўзини билдирмасликка ҳаракат қиларди, бошқа нарса учун эмас! Сўнгра олтмиш еттинчи йили (367 ҳижрий) яна ҳаж қилдим. Уни Маккада деб эшитгандим, бироқ у ердагилар унинг Боғдодда эканини айтишди. Бундан ичимга чироқ ёқса ёришмайдиган маҳзунликка тушдим.

Уни ахтаришда давом этдим, лекин мақсадимга етолмадим. Сўнгра Боғдодда эканман, Абу Наср Малоҳимий менга: “Бу ерда Абдаллар

---

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заббий, Ибнул Баййиъ исми билан машхур. 321-405 ҳижрийда яшаб ўтган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин.

(яхши фозил инсонлар)дан<sup>1</sup> бўлган бир шайх бор, сенга уни кўрсатиб қўйишимни хоҳлайсанми?” деди. “Ҳа, албатта”, дедим. Кейин бўёқчилар уйига бордик, у мени ичкарига киргизди, у ердагилар шайхнинг чиқиб кетганини айтишди. Шунда Абу Наср, ўша ердаги масжидда ўтиришимни ва унинг албатта келишини айтди. Биз масжидда ўтирдик, фақат Абу Наср бу шайхнинг кимлигини айтмади.

Бироздан кейин Абу Наср билан бирга эгнида ридо, озғин ва нимжон бир шайх келди ва салом берди. Бу киши Ҳофиз Абу Муслим бўлиши керак деб ўйладим. У билан гаплашиб ўтирар эканмиз, гап орасида унга:

— Шу дейман, шайх бу ерларда бирорта қариндошини топган шекилли? — дедим.

Шунда у:

— Мен кўришишни истаган кишилар оламдан ўтиб кетган! — деди. Мен акаси Иброҳимни назарда тутиб:

---

<sup>1</sup> Ўрин босувчилар дегани. Бундай деб аталишига сабаб, олам ҳеч қачон улардан холи бўлмайди, улардан бирор киши вафот этса, Оллоҳ уни бошқаси билан алмаштиради. (Таржимондан)

- Иброҳим ўзидан кейин фарзанд қолдирмадим? — дедим. Шунда у:  
— Акамни қаердан танийсан? — деди. Мен индамадим.

Кейин у Абу Насрдан: “Бу киши ким ўзи?” — деб сўради. У мени “Абу Фулан”, деб таништирди. У буни эшитиб ўрнидан туриб кетди, мен ҳам ўрнимдан турдим (яъни бошқаттан кўришдик). У мен билан кўришишга муштоқ бўлиб кўришолмай юрганидан шикоят қилди ва мен ҳам айнисини айтдим. Кейин тўйгунча музокара қилдик. У билан яна бир неча бор бирга ўтирдим (яъни, ундан ҳадис ўргандим). Сўнгра шаҳардан кетадиган куним у билан видолашдим. Ўшанда у менга: “Ҳаж мавсумида бирга бўламиз, Маккага қўшни бўлишни ўйлаб турибман”, деди. Сўнгра олтмиш саккизинчи йили (368 ҳижрий) ҳаж қилди ва ўлгунича Маккага қўшни бўлди (яъни Маккада яшади)”.

34. Ҳофиз Заҳабий айни асарида<sup>1</sup>, Абу Наср Сижзийнинг таржимаи ҳолида шундай дейди: “Ҳофиз, имом, суннат даҳоси Убайдуллоҳ ибн Саид

---

<sup>1</sup> 3/1119.

ибн Ҳотим, Абу Наср Сижзий, 444 ҳижрийда Маккада вафот этган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин. У ўз замонасининг энг кўп ҳадис билувчиларидан эди. У ҳадис ўрганиш йўлида ўлкама ўлка кезди.

Ҳофиз Абу Исҳоқ Ҳаббол айтади: “Кунлардан бир кун Абу Наср Сажзий хузурида ўтирардим, ногаҳон эшик таққиллаб қолди. Туриб эшикни очдим. Бир хотин киши ичкарига кирди ва ичида минг динор бўлган ҳамённи чиқариб, шайхнинг олдига қўйдида:

- “Буни хоҳлаганингиздай ишлатинг!” деди.
- “Нима демоқчисиз?” деб сўради шайх.
- “(Эшитишимча), Мен билан турмуш қурмоқчи экансиз, лекин менинг турмуш қуришга эҳтиёжим йўқ, шундай бўлсада сизга хизмат қилмоқчиман”, деди. Шунда шайх, у хотинни ҳамёнини олиб, чиқиб кетишига буюрди.

Бояги хотин чиқиб кетгач, шайх шундай деди: “Сижистондан илм олиш ниятида чиққанман. Энди қачон уйлансам, бу исм (яъни, толиби илм исми) мендан тушади. Мен эса илм

олишнинг савобидан бирор нарсани устун қўймайман”.

35. Энди ҳофиз, фақиҳ Абу Саъд Саммон Розийга<sup>1</sup> тўхталамиз. У муҳаддислар, насабшунослар, фақиҳлар, қурролар ва олимларнинг пешволаридан биридир. Дунёни машриқидан мағрибигача яёв кезган ва 3600 шайхи бўлган зотдир, Оллоҳ уни раҳмат қилсин.

Ҳофиз Қураший ўзининг “*ал-Жавоҳирул-музийя фи табақотил-ҳанафийя*” китобида<sup>2</sup>, унинг таржимаи ҳолида шундай дейди: “Абу Саъд Саммон Исмоил ибн Али ибн Ҳусайн ибн Занжуя Розий. Ҳофиз ва зоҳид Мўътазилий. Адлийя, яъни мўътазила шайхи, уламози, фақиҳи ва муҳаддисидир. Қироат илмида, ҳадисда, ҳадис ровийларини билишда (илмур-рижол), насаб илмида, фароизда (мерос илми), ҳисоб-китобда, низом, битимларда сўзсиз пешво эди.

Шунингдек, Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳу ва шогирдларининг фикҳида, Абу Ҳанифа ва Шофеий

---

<sup>1</sup> 445 ҳижрийда вафот этган.

<sup>2</sup> 1/156.

разияллоху анхумо ўртасидаги хилофларни билишда, Зайдийя фикҳида ва калом илмида пешво эди. У ҳаж қилиб, Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилган. Ироққа ҳам борган, мамлакати Узоқ Шарқ, Хуросондаги Рой шаҳридир. Шом, Ҳижоз ва Мағриб ўлкаларини кезди, бир қанча рижоллар ва шайхларни кўрди. Ўз замонининг 3600 шайхидан таълим олди. Умрининг охирларида ҳадис ўрганиш мақсадида Исфаҳонга борди. У шундай дер эди: “Ҳадисни ёзмаган (яъни, ўрганмаган) киши Исломнинг таъмини тотолмайди”.

Уни мадҳ этганлар унинг ҳақида: “У ўзига ўхшаганини кўрмади”, дер эдилар. Мазкур мақтовга лойиқ хислатларга қўшимча зоҳид, художўй, қоввам (кўп намоз ўқувчи), тиришқоқ, соввам (кўп рўза тутувчи), қаноатли киши эди. Етмиш тўрт йиллик умри мобайнида бирор кимсанинг товоғига бармоғини солмади (яъни, кимсадан тама қилмади). Муқимлигида-ю, сафардалигида бирор кимсанинг ёрдами ва миннати унинг зиммасида қолмади.

Умри мобайнида тўплаган китобларини мусулмонларга вақф қилиб қолдирди. Замоннинг тирик тарихи эди. Салафлар ва халафларнинг олдинда келганларидан эди. Бир қанча китоблар ёзди ва уйланмасдан оламдан ўтди. Охирги сафарига гўёки узоқларда юрган бирининг оиласига қовушмаси каби, қул хожасининг хузурига қайтгани каби табассум билан кетди. Ва 445 ҳижрийда киндик қони тўкилган ер — Ройда вафот этди. Оллоҳ уни раҳмат қилсин”.

*давоми бор...*